

Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари



Шу кунларда Озарбайжон Республикасида Туркий давлатлар ташкилотининг (ТДТ) навбатдаги саммити бўлиб ўтади. «Минтақавий тинчлик ва хавфсизлик» мавзусида ўтказилаётган олий даражадаги учрашув кун тартибидан устувор соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалалари ўрин олган. Тадбирда сиёсат, савдо-иқтисодиёт, инновация, инвестиция, энергетика, транспорт-коммуникация, гуманитар ва бошқа устувор соҳалардаги амалий ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилади.

Нисбатан қисқа муддат ичида ТДТ сезиларли ривожланишни бошдан кечирди ва ўзининг дастлабки консултиватив учрашувлар форматидан бой кун тартибига эга тўлақонли халқаро ташкилотга айланди. Бугунги кунда ушбу ташкилотнинг концептуал-ҳуқуқий базаси мустаҳкамланиб, кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

«Туркий дунё нигоҳи - 2040» ва «ТДТнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси» каби муҳим стратегик ҳужжатларнинг қабул қилиниши Ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг яқин истиқболдаги асосий йўналишларини белгилаб берди.

Бугунги кунда Туркий давлатлар ташкилоти кўп томонлама ҳамкорликнинг мутлақо янги форматига айланиб улгурган ҳолда, ТДТ аъзоларининг умумий манфаатлар ва қўшма ташаббуслар атрофида бирлаштиришга, кўп томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкам сиёсий ва иқтисодий пойдеворни шакллантиришга хизмат қилувчи ноёб имкониятларга эга бўлмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, айти пайтда Ташкилотга аъзо давлатлар савдо, энергетика, рақамли интеграция, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, космик тадқиқотлар, сунъий интеллект каби 40 дан ортиқ йўналишларда фаол ҳамкорлик қилмоқда. ТДТнинг ҳақиқий қудрати бу каби сонлар билан эмас, балки асосий бойлиги - тарихий алоқалари, умумий тил ва маданий мероси ва халқларининг

анъанавий бирдамлиги билан намоён бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги кўп томонлама муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни беқиёс ва серқирра саналади. Мамлакатимизнинг 2019 йилда ТДТга тўлақонли аъзо бўлиб қўшилиши Ташкилотнинг янги даврини бошлаб берди. Ўзбекистон томонининг иштироки ТДТ доирасида ҳамкорлик стратегияларини яратишга, минтақавий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Шубҳасиз, ТДТ кун тартибининг сифат жихатидан янада кенгайишига кўп жиҳатдан Президент Шавкат Мирзиёевнинг кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан туркий давлатларнинг бирлиги ва жипслиги, буюк ўтмиши, бой маданияти, азалий қадриятларини ўзида акс эттирувчи Туркий дунё Хартияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ўзбекистон Раҳбарининг Туркий давлатларнинг стратегик шериклик, абадий дўстлик ва қардошлиги тўғрисидаги шартномани қабул қилиш тўғрисидаги таклифи ҳам ТДТ доирасида турли истиқболли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

Ўзбекистон Раҳбари Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорликнинг кўплаб йўналишларини қамраб олган 80 дан ортиқ аниқ ташаббусларни илгари сурди. Бу таклифлар Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, рақамлаштириш, маданий-гуманитар ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга стратегик ёндашувини ўзида намоён қилади. Ташаббусларнинг бундай улкан ҳажми ва хилма-хиллиги Ўзбекистоннинг ТДТда ҳамжиҳатликда динамик ва барқарор ҳамкорлик платформасини яратишда фаол иштирок этишга интилишидан далолат беради.

Тошкент минтақавий интеграцияни мустаҳкамлаш, иқтисодий алоқалар ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, маданият, фан ва технология соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суришга қаратилган стратегик ташаббусларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон қулай географик ва салмоқли иқтисодий, саноат салоҳиятига эга муҳим минтақавий марказ бўлиб хизмат қилиб, ТДТ аъзо мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бундан ташқари, Тошкент янги мулоқот платформалари ва иқтисодий, транспорт, энергетик ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни яратишда фаол рол ўйнамоқда.

Таъкидлаш ўринлики, савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ТДТ ҳамкорлигидаги марказий йўналиш бўлиб қолмоқда. Нахичевань битими имзоланган 2009 йилда туркий давлатлар ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми қарийб 540 миллиард долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2024 йилга келиб икки баробардан кўпроққа ошиб, 1,2 триллион долларга етди. 2024-йилда ТДТ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 10 миллиард долларга яқинлашди. Бироқ бу кўрсаткич ўзаро ҳамкорликнинг салоҳиятини тўлиқ ўзида намоён этмаяпти. Бу ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Президентининг Ташкилот доирасида «Янги иқтисодий имкониятлар макони»ни яратиш ташаббуси савдо, инвестициялар кўламини кенгайтириш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Бундан ташқари, ТДТнинг Туркий давлатлар савдо-саноат палатаси ва Туркий инвестиция фонди каби мавжуд ва янги институтлари салоҳиятидан фаол фойдаланиш режалаштирилмоқда. Туркий давлатларнинг турли шаҳарларида давлат-хусусий шериклик асосида «Туркий савдо уйлари»ни ташкил этиш кўзда тутилган. Бу чора-тадбирлар туркий давлатлар ишбилармон доиралари

томонидан ишлаб чиқилган миллий маҳсулотларни илгари суриш ва уларнинг янги бозорларга чиқиш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Транспорт-транзит йўлакларини ривожлантириш ва логистика инфратузилмасини яратиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ТДТ доирасидаги ҳамкорликнинг асосий стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, бугун Осиёни Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ орқали Европа билан боғлайдиган «Ўрта йўлак»ни биргаликда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўрта йўлак» орқали юк ташиш ҳажми 2024-йилда 4,5 миллион тоннани ташкил этиб, 2020-йилга нисбатан қарийб 6 баробар ошганини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўлининг қурилиши ва унинг ТДТ маконидаги бошқа истиқболли транспорт лойиҳалари билан интеграциялашуви Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ва Хитойдан Европага қуруқликдаги йўлни сезиларли даражада мустаҳкамлайди. Шуниси эътиборга лойиқки, ушбу йўлак илгари туркий давлатлар ҳудудидан ўтган ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий алмашинувни ривожлантиришга хизмат қилган.

Шу билан бир қаторда, Транс-афғон йўлагининг яратилиши ҳам салмоқли имкониятларни тақдим этиб, ТДТ мамлакатлари учун қарийб 1,9 миллиард аҳолига эга ва умумий ялпи ички маҳсулоти 3,5 триллион долларга тенг бўлган Жанубий Осиё бозорларига янги эшик очади.

Шу нуқтаи назардан, интеграциялашган транспорт тизими ТДТ мамлакатларига қўшни минтақалар саналган Европа, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё ва Африка бозорларига кириш учун қимматли имкониятларни беради. Бу Евроосиёдаги стратегик транспорт йўналишлари чорраҳасида жойлашган ТДТ минтақасини глобал ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжиридаги муҳим транспорт-логистика бўғинига айлантириш салоҳиятини янада оширади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Раҳбари ТДТ маконида мултимодал транспорт йўналишлари ва транспорт хизматларини ривожлантиришни ҳам таклиф қилмоқда. Шу муносабат билан божхона жараёнларига замонавий рақамли ечимларни («e-TIR», «e-Permit» и «e-CMR») жорий этиш, шунингдек, транзит режимларини либераллаштириш ва маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бу ўз навбатида транспорт операциялари тезлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Туркий давлатлар ташкилоти давлатларининг рақамли технологиялар ва инновациялар соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш долзарб ва устувор вазифадир. Шу муносабат билан, ТДТ доирасида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини кенгайтириш, электрон хизматлар сифатини ошириш, рақамли ташаббусларни илгари суришга қаратилган турли ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Муҳим илмий-техникавий вазифаларни янада самарали ҳал этиш учун етакчи илмий-тадқиқот институтларини бирлаштирган ҳолда сунъий интеллект бўйича етакчи марказлар тармоғини яратиш, аъзо мамлакатлардаги мавжуд ихтисослаштирилган ташкилотлар негизида муҳандислик-технологик марказлар тузилмасини шакллантириш, Ташкилотнинг замонавий технологиялар парклари марказини ташкил этиш каби истиқболли режалар ишлаб чиқилмоқда.

Бу ўринда Ўзбекистон Президентининг «Рақамли туркий дунё концепцияси»ни ишлаб чиқиш таклифи ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим стратегик қадамдир. Ушбу ҳужжат тажриба алмашиш, инновацион экотизимларни ривожлантириш, рақамли инфратузилмани кенгайтириш ва замонавий маълумотлар марказларини яратишни рағбатлантиради.

Шу нуқтаи назардан, жаҳон сиёсати ва иқтисодиётидаги ҳозирги ўзгаришлар фонида минтақавий ҳамкорликнинг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бормоқда. ТДТнинг ҳозирги ривожланиш даври

ва фаолияти ушбу ташкилотнинг долзарблигини, шунингдек, туркий давлатларнинг умумий иқтисодий, маданий ва ижтимоий салоҳиятини юксалтиришга интилишларининг ва ҳаракатларининг самарадорлигини намоиш этмоқда. Бу ўринда, бугунги ўзгарувчан глобал муҳитда Озарбайжонда бўлиб ўтадиган ТДТнинг навбатдаги саммити минтақавий тараққиёт учун янги имкониятлар яратади ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарурлигини англатади.

Сарвар Камолов,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги СМТИ бош илмий ходими